



Научно-образовательный электронный журнал

ОБРАЗОВАНИЕ И НАУКА В XXI ВЕКЕ

Выпуск №23 (том 4)
(февраль, 2022)

ALISHER NAVOIY G`AZALLARIDA BO`LISHSIZ FE`LLARNING ISHLATILISHI Shamurotova Feruza Shukurulla qizi	165
METHODOLOGICAL BASES OF ENGLISH LANGUAGE TEACHING Jumanova Soxiba Abdupattoyevna	168
MODERN SOLUTIONS TO LANGUAGE TEACHING PROBLEMS Turdiboyeva Dilshoda Nomozboy qizi	171
HISTORICAL FACILITIES OF THE NATIONAL ECONOMY DEVELOPMENT AND ECONOMIC ACTIVITY OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN Hasanov Samandar Kamol ugli, Zakirova Sayyora Alimovna	174
THE THEORETICAL AND SCIENTIFIC APPROACHES TO ENSURING THE QUALITY OF EDUCATION IN THE TRAINING OF COMPETITIVE PERSONNEL IN HIGHER EDUCATIONAL INSTITUTIONS Otajonova Maftuna Sultonmurodovna	178
PARAMETRLI KVADRAT TENGLAMALAR VA ULARGAKELTIRILADIGAN TENGLAMALAR Toxirov Nurbek Xolmirzayevich	185
RAFINATSIYALASHNI KIMYOVIY USULLARI. MUMSIMON MODDALARNIAJRATIB Olish Bo`reyev Hakim Avazivich, Ergashev Islombek Ziyodulla o`g`li	191
THE USE OF PHRASEOLOGICAL SYNONYMS IN THE UZBEK LANGUAGE Samadova Shahlo Qahhor qizi	197
TOKSIK MODDALARNING XUSISIYATLARI Toshbekova Maftuna Abdulla qizi	201
ВОСТОК И ЗАПАД В ТВОРЧЕСТВЕ МИХАИЛА ЮРЬЕВИЧА ЛЕРМОНТОВА Ахмадиллаева Замира Рустамовна	205
SAZ A`LEMININ` SULTANI Shaxnoza Qudaybergenova Reymnazarovna, Mexryban Hojanova Jabbarbergenovna	216
УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРДА СИНТАКТИК АЛОҚАНИНГ ИККИ АСОСИЙ ТУРИ ВА УЛАРНИНГ ЎҚИТИЛИШИ Юнусова Нилуфар Абдуқодировна	219
УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИДА БУХОРО ФОЛЬКЛОР ҚЎШИҚЛАРИНИ ЎРГАТИШ ЖАРАЁНИНИ ЛОЙИҲАЛАШ Нуруллаев Ф.Г., Мадаминова М.	224

ФИО авторов: Нуруллаев Ф.Г. п.ф.ф.д.(PhD) БухДУ “Муסיка таълими” кафедраси доценти.

Мадаминова М. Ажинияз номидаги педагогика институти 1-босқич магистранти

Название публикации: «УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИДА БУХОРО ФОЛЬКЛОР ҚЎШИҚЛАРИНИ ЎРГАТИШ ЖАРАЁНИНИ ЛОЙИХАЛАШ»

Муслий таълимда Бухоро фольклор қўшиқларини ўргатиш жараёнини ташкил этиш ва унинг муваффақиятли кечишини таъминловчи муҳим шартларидан бири, лойиҳалашдир. Ўқитувчининг Бухоро фольклор қўшиқларини ўқувчиларга ўргатиши ва ўқувчилар томонидан уларни ўзлаштириб олинишига оид муслий фаолиятлари мазмунини ҳамда воситаларининг лойиҳаланиши белгиланган педагогик вазифани ҳал этишга эриштиради. Замонавий шароитда муслий таълим жараёнини лойиҳалашга нисбатан янгича ёндашув, яъни, таълим жараёнини технологик тузулмасига мувофиқ ёритиш заруратини тақазо этади. Бу, ўз навбатида, муסיқа фани ўқитувчиси касбий фаолиятини ташкил этишда таълим жараёнини лойиҳалашнинг алоҳида аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади.

Бухоро фольклор қўшиқларини ўргатиш жараёнини лойиҳалаш – муסיқа фани ўқитувчисининг касбий фаолиятининг кўриниши бўлиб, таълим жараёнининг технологик тузилмаси, унинг натижасини таъминловчи метод ва воситалар йиғиндиси билан тавсифланади. Лойиҳалаш маҳсули эса фольклор қўшиқларини ўргатиш жараёнининг лойиҳаси саналади.

Лойиҳалаш педагогик фаолиятнинг мураккаб кўриниши бўлиб, уни амалга оширишда таълим жараёнининг муҳим қонуниятлари инобатга олиниши зарур. Шунга кўра, Бухоро фольклор қўшиқларини ўргатиш жараёнини лойиҳалашда қуйидагилар инобатга олиниши зарур:

– ўрганиш учун танланган Бухоро фольклор қўшиқларининг жамият тараққиёти учун хизмат қилиши;

– ўқувчилар ўрганган Бухоро фольклор қўшиқларининг таълим натижаларига боғлиқлиги;

– ўрганиш учун танланган Бухоро фольклор қўшиқларининг ўқувчилар ёши ва индивидуал хусусиятлари билан ўзаро мувофиқ келиши;

– Бухоро фольклор қўшиқларини ўргатиш мақсади, мазмуни, шакл, метод ва воситаларининг умумий муслий таълим жараёни самарадорлигини таъминлашга йўналтирилиши ва ҳ.к.ларни инобатга олиш зарур.

Шунингдек, Бухоро фольклор кўшиқларини ўргатиш жараёнини лойиҳалашда таълим жараёнини лойиҳалашнинг қуйидаги қонуниятларига риоя қилшни:

- фольклор кўшиқларини ўргатиш жараёнини лойиҳалаш самарадорлиги барча таркибий қисмлар (технологик бошқарув, восита, ахборот, ижтимоий-психологик муҳит)нинг лойиҳада мақсадга мувофиқ ёритилиши асосида таъминланиши;

– фольклор кўшиқларини ўргатиш воситалари ўқувчиларнинг индивидуал хусусиятларига боғлиқ ҳолда танланиши;

– лойиҳалаш стратегиялари мусиқа ўқитувчисининг билими, маҳорати ва бошқа индивидуал услубига мувофиқ танланиши;

– фольклор кўшиқларини ўргатишнинг лойиҳалаш сифати тескари алоқа (ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги) кўлами, лойиҳалаш мазмуни, шунингдек, барча омиллар самарадорлигига боғлиқлигини унутмаслик керак.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, муқий таълимда Бухоро фольклор кўшиқларини ўргатиш тизимини лойиҳалашда:

1) Бухоро фольклор кўшиқларини ўргатишга оид муқий фаолият мазмунини таҳлил қилиш;

2) Бухоро фольклор кўшиқлари воситасида амалга ошириладиган муқий таълим натижаларни олдиндан кўра билиш;

3) Бухоро фольклор кўшиқларини ўргатиш бўйича режалаштирилган муқий фаолиятни амалга ошириш лойиҳасини яратиш каби вазифаларни бажаришга алоҳида эътибор билан ёндашиш керак.

Шунингдек, лойиҳалаштиришнинг бу босқичида, аввало, ўқитувчи томондан мустақил равишда ҳамда ўқувчилар билан ҳамкорликда Бухоро фольклор кўшиқлари воситасидаги муқий таълим жараёнининг мазмуни, воситаларини белгилаб олиниши мақсадга мувофиқ бўлади.

Умуман олганда, мусиқа таълимида Бухоро фольклор кўшиқларини ўргатиш тизимини лойиҳалашда: “лойиҳа → мазмун → фаолият” учлиги асосида ташкил этилувчи муқий-педагогик фаолиятнинг умумий моҳиятини яхлит ифодалашга хизмат қилувчи лойиҳани яратиш даркор.

Мусиқа таълиминини лойиҳалаш жараёни ўз хусусияти билан бошқа йўналишлардан фарқ қилиши боис Бухоро фольклор кўшиқларини ўргатиш тизимини лойиҳалашда ўқитувчи томондан бирин-кетин амалга оширилувчи ва аниқ ҳамда равшан белгиланган ташхиснинг қўйилиши билан яқунланувчи таҳлилий фаолият, олдиндан кўра билиш ва лойиҳалаш каби ижодий фаолиятларда намоён бўладиган мақсадни қўйиш керак. Ташхис, олдиндан кўра

билиш ва лойиҳалаш ҳар қандай педагогик вазифани ҳал этишнинг ажралмас учлиги ҳисобланади. Шунга кўра, муқимий таълимда Бухоро фольклор кўшиқларини ўргатиш жараёни мақсадини амалга ошириш учун тақвим режа, бажариладиган ишлар кўлами белгилаб олинishi даркор. Бериладиган муқимий таълимнинг самарали ҳал этиш учун эса вазиятни тўлақонли англаш ҳамда вазифаларнинг аниқ ва тўғри белгиланишига алоҳида эътибор қаратиш аҳамиятлидир.

Бухоро фольклор кўшиқларини ўргатиш жараёнига қўйилган мақсад шу йўналишда амалга ошириладиган ишларни ташкил этишга тайёрланиш босқичида педагогик вазифа сифатида қабул қилиниши керак. Бухоро фольклор кўшиқларини ўргатиш билан боғлиқ ишларнинг муваффақиятли амалга оширилишида турли вазифалар моҳиятининг бир йўла ёки бирин-кетин англанишига боғлиқ. Айниқса, муқимий таълим жараёнига тегишли фаолият учун умумий бўлган вазифаларни белгилаб олиш муҳимдир. Сўнгра кўшиқларни ўргатиш жараёнининг маълум босқичи моҳиятини аниқ ифодалайдиган босқичли вазифалар (кўшиқ матнини ўргатиш, муқима жўрлигида ижросини амалга ошириш)ни, ниҳоят хусусий (кўшиқ ижросидаги камчиликлар устида ишлаш) вазифаларни аниқ белгилаб олиш мақсадга мувофиқ.

Агар кўшиқларни ўргатиш жараёнида, жумладан, Бухоро фольклор кўшиқларини ўргатиш жараёни педагогик вазият етарли даражада тўғри англанимаса, у ҳолда кўшиқни куйлаш, муқимий мазмун-моҳиятини пухта тушуниб олиш бўйича қўйилган педагогик вазифаларни ҳал этиш йўллари ҳам тўғри белгиланмайди. Таҷрибаларни ўрганиш жараёнида маълум бўлдики, эндигина ўз фаолиятни бошлаган муқима ўқитувчиси таҷрибасизлиги туфайли педагогик вазиятни тўғри англашга қийналади, вазифаларни тўғри белгилаш малакасига эга бўлмайди. Шу сабабли улар ўзларича йўл тутиб педагогик вазифани дарҳол ҳал этмокчи бўладилар, аммо жиддий хатога йўл қўядилар.

Шу ўринда айтиш ўринли, муқима фанидан мактабларга дарс бериб келаётган таҷрибали ўқитувчилар ҳам ўқувчиларга кўшиқ ўргатишнинг айрим ҳолатларида педагогик вазиятни тўғри англашга эътиборсиз қарайдилар. Натижада кўшиқларни ифодали, ёқимли куйлашда номутаносиблик вужудга келади. Бундай ҳолатларда ўқитувчи кўшиқни талаб даражасида куйлашга оид мақсадларнинг ҳал этилишини таъминлай олиш-олмаслигини ўйлаб ўтирмай, ўқувчилар диққат-эътиборини турли муқимали ўйинларга қаратиб уларни фаоллаштиради, кўргазмали куруллар, видео-тасвирлардан фойдаланади, билимларни назорат қилади. Муқима ўқитувчилари фаолиятнинг яна бир номутаносиблик томони шундаки, уларнинг кўпчилиги кўшиқ ўргатишга

тегишли асосий вазифаларни иккинчи даражали ҳисоблаб, муסיқа тинглаш, ритмик ҳаракатлар қилдириш, мусиқали ўйинлар ўйнаш, тадбирларга тайёргарлик кўриш каби вазифаларга алмаштирадилар ва фақат уларгагина ўз диққатларини қаратадилар.

Муסיқа фани ўқитувчиси ўз касбининг яхши билиши муסיқий таълим жараёнига тегишли ҳар бир педагогик вазифани теран англаши билан бирга Бухоро фольклор кўшиқларини ўргатиш бўйича мавжуд маълумотларни таҳлил қилиш ва ташхис қўйиш учун ҳам асос бўлиб хизмат қилади. Бухоро фольклор кўшиқларини ўргатиш бўйича мавжуд маълумотларнинг таҳлили мазкур масалаларга оид вазият ўрнини аниқлашдан ташқари, бутун таълим жараёнида ўқитувчи, ўқувчи ва улар ўртасидаги муносабат ҳамда муסיқий таълим мазмуни, унинг самарали воситалари ва педагогик шарт-шароитлар каби асосий таркибий қисмларни аниқлашга йўналтирилган бўлиши лозим.

Маълумки, муסיқий таълим жараёнини лойиҳалаш босқичида, жумладан, фольклор кўшиқларини ўргатиш босқичида ўқитувчининг дуч келадиган биринчи муаммоси - бу муסיқий-педагогик фаолият мазмунини лойиҳалаш саналади. Ўқув дастури ёки таълим олувчи ўқувчи шахси муסיқий таълим мазмунини лойиҳалашнинг асоси бўлиб, бу вазиятда ўқитувчи педагогик фаолият, мақсад ва шароитларга мувофиқ ҳолда ўқувчиларга фольклор кўшиқлари ҳақида нимани тақдим этиш хусусида мустақил қарор қабул қилади. Қарор қабул қилиш жараёнида қуйидагиларни ҳисобга олиш мақсадга мувофиқдир:

1) ўқувчилар Бухоро фольклор кўшиқлари бўйича тавсия этилаётган маълумотдан нимани ва қандай ҳажмда ўзлаштиришлари зарурлиги;

2) ўқувчиларнинг дастлабки муסיқий тайёргарлик даражаси, кўшиқларни куйлаш савияси, уларнинг Бухоро фольклор кўшиқларини ўрганишга тегишли ўқув маълумотларини қабул қилиш имкониятлари;

3) ўқитувчининг шахсий, шунингдек, мактабнинг моддий техник базаси.

Бу ўринда Бухоро фольклор кўшиқларини ўрганишга тегишли ўқув маълумотларини лойиҳалаш технологияси муҳим ўрин тутди. Унда:

1) ўқувчиларга тақдим этиладиган кўшиқлар;

2) ўқувчиларга кўшиқларни мустақил куйлаш, мазмун-моҳиятини англаш учун бериладиган вазифалар;

3) ўқувчилар томонидан кўшиқларни куйлаш, муסיқий маълумотларни ўзлаштириб олган маълумот (билим) турлари ўз аксини топади.

Демак, ўқитувчи фольклор кўшиқларини ўргатиш бўйича лойиҳалаш технологиясини қўллашда ўқувчиларнинг эҳтиёжлари, куйлаш имкониятлари, маҳоратлари, муסיқий таълим жараёнининг маълум босқичида дарсга тайёрлаш имконияти, ўқувчиларнинг ўз-ўзини ривожлантириш қобилиятларини ўстиришни асосий масалалар сифатида тан олсагина муваффақият қозонади.

Муסיқа фани ўқитувчиси фаолиятида келажак учун мўлжалланган фольклор кўшиқлар ва уларни ўқувчиларга ўргатиш йўллари тезкор лойиҳалаш турли дарсларда турлича мослаштирилади. Ўқитувчи Бухоро фольклор кўшиқларини ўргатиш жараёнини лойиҳалашга киришда хоҳ у дарс, хоҳ у тарбиявий тадбир бўлсин, ҳар бир ўқитувчи вазифанинг яхлит педагогик жараён тизимидаги ўрнини билиши лозим.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Nurullaev F.G. The role of folklore in the raising of children // European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences Vol. 8 No. 12, 2020 Part III. ISSN 2056-5852.
2. Жўраев М. Ўзбек мавсумий маросим фольклори. (Ўқув қўлланма). –Т.: Фан, 2009. – 294 б.
3. Nurullayev F.G. Узлуксиз таълим тизимида Бухоро фольклор кўшиқларини ўргатишнинг ўрни ва аҳамияти// O'zbekiston Milliy Universiteti xabarлари, Ilmiy-nazariy va metodik jurnal 2021-yil 6-son.- Toshkent. B.177-186.
4. Сафаров.О., Атоев О., Тўраев Ф. “Бухорча” ва “Мавриги” тароналари. – Т.: “Фан”, 2005. – 278 б.
5. Nurullayev F. G. Buxoro folklor qoshiqlarining o'ziga xos ta'limiy va tarbiyaviy ahamiyati. Pedagogik mahorat, Ilmiy-nazariy va metodik jurnal,30.06. 2021-yil maxsus son.- Buxoro. B.28-32.
6. F. Nurullayev. “Musiq ta'limida Buxoro folklor qoshiqlarini orgatishning ilmiy-metodik xususiyatlari”-(PhD) Diss.ishi. 2021y.